
Кредит қарзи ундириш бўйича гаровдаги Нексия-3 хатланди !

Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 21.07.2023 йилги қарздор Ш.Мамажоновадан ундирувчи Капиталбанк Қўқон филиали фойдасига 87.243.624 сўм кредит қарзи ундириш ундирув гаровга қўйилган қарздорга тегишли 2019 йилда ишлаб чиқарилган Нексия -3 русумли, автомашинага қаратиш белгиланган.

Мазкур ижро ҳужжати бюронинг Бешариқ туман бўлимига 24.07.2023 йилда келиб тушган ва ижро иши қўзғатилиб, мажбурий ижрога қаратилган.Қарздорга ижро ҳужжатидаги талабларни бажариш учун 15 кунлик ихтиёрий муддат берилган.

Қарздорлик ихтиёрий муддатда бажарилмаганлиги сабабли , ижро ҳаракатлари давомида, гаров мулки бўлган Нексия-3 русумли автомашина хатланиб, МИБ жарима майдонига олиб кирилди ва аукцион савдоларига чиқариш чоралари кўрилмоқда.

Зеро, қарздор томонидан аукцион савдоси кунига қадар қарздорликни тўлиқ бартараф қилиб, автомашинасини қайтариб олишга умид қиламиз.

МИБ Бешариқ туман бўлими.

2023-08-21 09:14:16